



СТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро
ректори

давлат университети

А.А.Тулаганов

сентябрь 2017 й

“Рахбар қабулига ёзилиш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1.Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши.

Бухоро давлат университети (кейинги ўринда-Университет) расмий веб-сайти орқали “Рахбар қабулига ёзилиш”.

1.2. Хизмат натижаси

Университет рахбарияти қабулига кириш учун ташриф буюриш санаси ва вақти кўрсатилган хабарноманинг фойдаланувчига жўнатилиши.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний шахслар

1.6. Ариза бериш муддатлари

Муддати чекланмаган

1.7. Бажарилиш муддатлари

3 кун

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1.Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органининг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2.Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали.

2.3.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11- уй
Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони
Транспортлар: 6,76,33,75,86,88-автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати,
72,25,37,11- автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти душанба – жума : 09⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача

3.2. Кутиш шартлари

3 кун

4.Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ)

4.2.Хизмат тўлови

Бепул

4.3.Хизматни кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;
- “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Раҳбар қабулига ёзилиш” хизмат танланади;

-Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади:
- Қабулга ёзилишни истаган раҳбар ходим танланади;
-Қабул қилиш танланади;
-Раҳбар қабулидан мақсад мавзуси танланади;
-Масаланинг мазмуни киритилади;
-Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, “ЭРИ орқали тасдиқлаб юбориш” танланади ва ариза юборилади.

4.4.Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Университет масъул ходими (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами киритилади):

-келиб тушган аризани қабул қилади:
-фойдаланувчиларга раҳбар қабулига ёзилган куни ва вақти кўрсатилган маълумотни 3 кунлик муддат ичида электрон шаклда юборилди.

4.5.Рад этиш жавоблари

Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.


5.Хизмат кўрсатиш сифати

5.1.Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.


“КИРИТИЛДИ”

Мониторинг ва ички назорат
бўлими бошлиғи в.б

 Т.Р.Собиров
“24” сентябрь 2017 й

“КЕЛИШИЛДИ”

Ахборот технологиялар
маркази бошлиғи

 М.З.Хусенов
“24” сентябрь 2017 й